# ИШОНЧ ҲИССИ

(Боши 1-бетда)

Биз таълим-тарбия ходимлари халқнинг фарзандларини илмли, тарбияли айнан оқни-қорадан ажрата олишга ўргатамиз. Мени бир нарса қийнайди: наҳот биз таълим берган, тарбиялаган фарзандларимиз орасидан Ватанимиз хоинлари, падаркуш ёвузлар чиқди...

М.Жўраева,
Навбаҳор туманидаги 22 - мактаб ўқитувчиси.

* * *

16 февраль куни содир этилган жиноят ҳар бир инсонни ўйлашга, мулоҳаза юритишга чорлайди. Мен бир умидли қишлоқ қизи сифатида эртанги келажагимиз равнақ топишини истайман. Юртбошимизнинг юракларидан қайнаб чиқаётган «Огоҳ бўлинглар!, Огоҳ бўлинглар!, Огоҳ бўлинглар!» деган сўзлари мени мактуб ёзишга ундади. Муҳтарам Президентимизнинг «Биз ёшларимизни ҳар хил қора кучлар қўлига бериб қўймаймиз. Биз уларни ҳимоя қиламиз» - деган сўзлари менинг бутун вужудимда сўз билан ифода этиб бўлмайдиган ғурур, ифтихор туйғуларини туғдирди. Азиз тенгдошларим, буюк келажак эгалари! Нима учун юртбошимиз ҳар бир гапларида, сўзларида ёшлар ҳақида, уларга бўлган ишончлари ҳақида бунчалик куйиб - ёниб гапирмоқдалар? Сизнинг шуурингиз бу қимматли гаплар мазмун-моҳиятини англаб олаяптими? Юрагингизда «Мен Ўзбекистоннинг умидли фарзандиман» деган сўзлар акс этаяптими?

Хуршида Ғуломова,
Қарши туманидаги 40 - мактабнинг 11 - синф ўқувчиси

* * *

Ўша кунги мудҳиш воқеага биз ота - оналаримиздан йироқда гувоҳ бўлдик. Тўғрисини айтсак, бироз қўрқдик. Лекин ҳеч қанча ҳам вақт ўтмай Сизнинг, муҳтарам Президентимиз телевизордан чиқиб, «Болаларимизни ҳеч кимга бериб қўймаймиз! Уларни ўзимиз тарбиялаймиз!» деганингиз кўнглимизга катта таскин берди, мадад бўлди. Жонажон ўлкамизнинг қаерида бўлмайлик, ҳамиша Сизнинг меҳрингиз тафтини ҳис қилиб турамиз.

Республика мусиқа мактаб-интернати тарбияланувчилари

* * *

16 февраль куни пойтахтимизда содир этилган хунрезликлар кўп йиллик тажрибага эга педагог сифатида менинг қалбимни ҳам ларзага солди. Шуни англаб етдимки, ёш авлод онгига мустақиллик, Ватан ғояларини янада кўпроқ сингдиришимиз лозим экан. Акс ҳолда ёшларимиз онгида пайдо бўлган бўшлиқ ёт ғоялар билан тўлади. Натижада улар истиқлолимизни, истиқболимизни кўра олмайдиган ғанимлар қўлига тушиб қолиши мумкин.

И. Сафаров,
Олот туманидаги 13- мактаб директори

* * *

Асосий қонунимиз – Конституцияда айтилганидек: «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боради». Шундай экан, Президентимизга қилинган тажовузни мустақил давлатимизга, меҳнаткаш халқимизга, куч-ғайратга тўлаётган ёшларга қарши қилинган қабиҳлик, деб ҳисоблайман.

Асқарали Ҳасанов,
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети халқаро ҳуқуқ факультетининг 1 - босқич талабаси

* * *

Биз ёшлар мана шундай машъум ишларнинг юз бермаслиги учун жонжаҳдимиз билан, куч-ғайратимиз, ақл идрокимиз билан меҳнат қилишимиз, илм олишимиз лозим. Ўзбекистон аталмиш жаннатий юртимизни топталишига сира ҳам йўл қўймаймиз.

Д.Қосимова,
Ш.Абдураҳмонова,
Д.Раҳимова,
Н.Нишонов,
Н.Сайдуллаева,
Д.Юнусова,
Тошкент вилояти Тошкент туманидаги 9-ўрта мактаб ўқувчилари

## JUMLADA JAHON

• Бирлашган миллатлар ташкилотининг Тошкентдаги ваколатхонасида «Ўзбекистонда Гендер ва ривожланиш сектори салоҳиятини мустаҳкамлаш» лойиҳасининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

• Ўзбекистон бадиий академияси марказий кўргазмалар залида «Ўзбекистон аёллари ижоди» фестивали очилди.

• Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш Республика ташкилий қўмитаси йиғилишида бунёдкорлик ва гўзаллик байрамига тайёргарликнинг бориши ва уни юксак савияда ўтказиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

• Термиздаги «Сурхон» заводи қошида ташкил этилган «Татев» хусусий корхонасида дезинфекциялаш ва санитария-гигиена тозалаш воситаларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

• Гамбургда Ўзбекистоннинг Германиядаги иқтисодиёт кунлари ниҳоясига етди.

• Анқарадаги давлат хавфсизлиги суди Курд ишчи партияси етакчиси Абдулла Ўжалонни дастлабки сўроқ қилиш жараёнини якунлади.

• Яқин Шарқ мамлакатлари бўйлаб сафар уюштирган Норвегия Бош вазири Хел Бунневик Қоҳирада мисрлик ҳамкасби Камол ал - Ганзурий билан учрашди.

## Ўқитувчи ён дафтарига

### ҒОЗЛАРНИНГ ЎЗАРО МУОМАЛАСИ

Хорижлик мутахассис Карл Лоренцнинг таъкидлашича, ғозлар ҳам ўзаро муомалада бўлади , яъни уларнинг «ға-ға» лашлари сонига қараб бирор маъно англатади. Масалан, бу жониворларнинг етти марта овоз чиқаргани – егулик топиш учун бошқа жойга учайлик деган фикрни билдирса, қисқагина «ға» дейиши улар учун кутилмаган хавф туғилганидан далолат беради. Ғозларнинг ўзаро суҳбатлари қанча қисқа бўлса, бу улар учун шунча таҳликали хабар бўлар экан.

### МАЖБУРИЙ ХУШМУОМАЛАЛИК

Албатта, кишиларнинг хушмуомала бўлганларига не етсин, лекин, бу хислат мажбурий бўлса-чи?

Африкадаги Уганда деган мамлакат худди шунақа экан. Бу ерда яхши муомалага нисбатан қўрс жавоб берганлар учун қаттиқ жазо чоралари белгилаб қўйилган.

### САТОЛАР ЮРТИ

Японияда авваллари фақат юқори табақа вакилларигина ўз фамилиясига эга бўлишга ҳақли бўлганлар. 1870 йилдан сўнг эса, барча фуқаролар бу ҳуқуқдан фойдалана бошлашган. Маълумотларга қараганда, бугунги кунда Сато фамилияси бу ерда энг кўп тарқалган бўлиб, қарийб, 2,2 миллион япон шу исм-шарифдадир. Сатодан сўнг Судзуки (2 млн) ва Такахоси (1,5 млн) фамилиялари ҳам японлар орасида жуда оммавий экан.

### БРЮССЕЛДА БИР БОҒЧА БОР

Бу болалар маскани бошқа боғчалардан фарқли ўлароқ, тунда ишлайди. Ота-оналар бу ерга болаларини кечки соат 17. 30 дан 22 гача олиб келишади ва эрта билан олиб кетишади. Фаолиятидан кўпчилик мамнун бўлаётган мазкур боғчага фақат тунда ишлайдиган кишиларнинггина фарзандлари қабул қилинади.

*Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги хорижий тилларни чуқур ўрганишга ихтисослашган лицейда Эркиной Худойбергановани барча ҳурмат билан тилга олади. Эркиной опа мана, бир неча йилдирки ўқувчиларга француз тилидан олий тоифали ўқитувчи сифатида сабоқ бериб келмоқдалар.*

*Суратда: олий тоифали ўқитувчи Э.Худойберганова ўз ўқувчилари билан француз тилининг маъно нозикликлари юзасидан суҳбатлашмоқдалар.*

Р.Альбеков олган сурат.



## МММ XABARLARI

### INSONPARVARLIK NA'MUNASI

Namangan viloyatining Chortoq tumanidagi 47 - o'rta maktabning 3-sinf o'quvchilari O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimovga xat yo'llab, unga uzoq umr, sihat-salomatlik, Vatan ravnaqi, xalq manfaati yo'lida olib borayotgan xayrli ishlariga rivoj tilash bilan birga, yurtboshimizning g'amxo'rliklariga javoban a'lo o'qishga, mustaqil Vatanimizga munosib farzandlar bo'lib etishishga va'da bergan edilar.

Yaqinda yurtboshimizning shu maktubga javob xati va esdalik sovg'asini topshirish marosimi bo'ldi. Viloyat hokimining o'rinbosari A.Iuqmonov Prezident maktubini o'qib eshittirdi.

Marosimda Chortoq tumani hokimi B.Haydarov va hokim o'rinbosari E.O'rinboyevlar ishtirok etdilar.

Yurtboshimizning kichik bir tuman maktabidan kelgan maktubga e'tibori – uning o'ta oliyhimmatligi va insonparvarligi na'munasidir.

Nasiba UMRZOQOVA

### OGAHIYNING 190 YILLIGI

Pitnakdagi Ogahiy nomidagi 29-maktab shoir yubileyini munosib kutib olishga qizg'in tayyorgarlik ko'rmoqda. Ogahiyning 190 yillik to'yini keng nishonlash bilan bog'liq ishlardan biri, albatta, maktabni oquv- moddiy ba'zasini mustahkamlashdir. Yaqinda O'zbekiston Respublikasi xalq ta'limi vazirligi ushbu maktabga kompyuter sovg'a qildi va mutaxassislar kelib o'rnatib ketishdi

G'oyib YOQUBOV

### KO'RGAZMALI SEMINAR

Shahrisabz shahridagi 94 - o'rta maktabda o'qituvchilarning «Bahor madhi» deb nomlangan ko'rgazmali seminari bo'ldi. Unda shahar va tuman maktablarining 110 nafardan ortiq musiqa o'qituvchilari qatnashdilar.

Ko'rgazmali seminar yuzasidan muzokaralarda shahar va tuman maktab o'qituvchilari, tuman xalq ta'limi san'at uslubchisi Jalil Turkmonovlar so'zga chiqishib, o'zlarining fikr-mulohazalarini bildirdilar.

So'ng seminar ishtirokchilari guruh-guruhlarga bo'lininshib musiqa fanidan ocniq darslarni kuzatdilar.

Ahad MUQIMOV

XABARLARI МММ

## Anjuman

# ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТИДА АЁЛНИНГ ЎРНИ

Бу йилнинг Президентимиз томонидан аёллар йили деб эълон қилиниши республикамиз аёлларига бир олам қувонч бахш этди. Шу муносабат билан жойларда аёлларнинг жамиятда тутган ўрни, мавқеига бағишланган йиғилишлар, анжуманлар бўлиб ўтмоқда. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида хизмат қилаётган аёлларнинг «Таълимни ислоҳ қилишда аёлнинг тутган ўрни» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Давра суҳбатидаги гаплар асосан, аёлларнинг, бугунги мустақил юрт бекаларининг ҳақ-ҳуқуқлари, эрклари, бурч ва вазифалари, роли ва толеи ҳақида борди.

Ёш авлодни мустақил юртнинг муносиб фарзандлари бўлиб вояга етишида оналарнинг бурч ва вазифалари нималардан иборатлиги хусусида, таълимни ислоҳ қилишда аёлларнинг тутган ўрни тўғрисида, уларни бу борада олиб бораётган ибратли ишлари, тажрибалари ҳақида «Тил ва адабиёт таълими» - «Преподавание языка и литературы» журналларининг бош муҳаррири, педагогика фанлари доктори Раъно Толипова мисоллар билан гапириб берди.

Ҳа, Мустақиллигимиз берган неъматлардан бири - халқ таълими соҳасида жиддий ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури"ни ҳаётга татбиқ этиш борасидаги барча ижобий тадбирлар таълимни ислоҳ қилиш йўлидаги муносиб ўзгаришлардандир. Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг хотин-қизлар кенгаши раисаси, Мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи Ҳамида Аҳмедова ана шулар хусусида гапирди. У ўз сўзида, мураббия ва педагог аёлларимиз зиммасига ёш авлодни Ватанга, Юртбошига муҳаббат, садоқат руҳида тарбиялашда янада жиддийроқ, масъулроқ вазифалар юкланаётганлигини алоҳида таъкидлади.

Давра суҳбатининг қатнашчилари «Халқ сўзи» газетасида чоп этилган «Феврал воқеалари» мақоласига ўз муносабатларини билдирдилар. Анжуман якунида давра иштирокчилари Президент Ислом Каримов номига «Мурожаатнома» қабул қилдилар.

Аёллар бор давралар шукуҳга, файзга тўладир. Ушбу анжуманда Республика «Оила маркази»нинг директори, педагогика фанлари доктори Ойниса Мусурмонова, педагогика фанлари доктори Дилором Жуманиёзова ҳам иштирок этдилар.

Матлуба ШУКУРОВА

# ОДОБЛИГА МАҲАЛЛА СТИПЕНДИЯСИ

*Куни кеча Кўкча даҳаси «Исломобод» маҳалласида «Маънавий етук ёшларни тарбиялашда маҳалланинг вазифалари» номли илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Халқда «бир болага етти маҳалла ота-она» деган гап бор. Бу анжуман ҳам шу нақлни исботи сифатида ўтди десак хато эмас. Тадбирни ўтказишдан мақсад Президентимиз қўйган вазифаларга биринчи амалий жавоб беришдир. Яъни бундан буён маҳаллаларда ички муаммоларни ҳал этиш, ватанимизнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатини халқ ичида чуқур ўрганиш ва ўзаро иш юритиш тажрибаларини кўриб таҳлил қилишга доир анжуманлар ташкил этиб туриш маҳалланинг доимий фаолиятига айланиши керак.*

*Конференцияда сўзга чиққан Республика «Маҳалла» жамғармаси раиси Ш.Жалилов, маҳалла йиғини раиси Э.Қосимов, Тошкент шаҳар «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раҳбари Садриддин Салимовлар «Ёшларни қизиқтираётган муаммолар ечимини топишда маҳалладаги ҳар бир ота-онанинг салмоғи бўлиши керак» деб таъкидладилар.*

*Бу маҳалла ҳудудида 1 та боғча, 1 та мактаб жойлашган. 186-мактаб билан маҳалла ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган бўлиб, бу мактабнинг 11 нафар ўқувчисига уларнинг билими, мактаб ва маҳалладаги одоби, маънавиятини ҳисобга олиб «Исломобод» маҳалласи стипендияси жорий қилинган. Мактаб билан ҳамкорликда ишлашда маънавият ва маърифат ишлари бўйича маҳалла маслаҳатчиси Ш.Зафархўжаевнинг хизмати катта бўлмоқда.*

*«Маҳалла эзгулик бешиги, чинакам тарбия ўчоғи» — деган нақлда ҳикмат кўплигига бу анжумандан сўнг яна бир бор амин бўлиш мумкин.*

Шарифа МУРОДЖОН қизи

## Maktabgacha ta'lim

# ГАЗ КОНЛАРИНИНГ «ЭРТАГИ»

Муборак тумани марказида жойлашган Муборак газ конлари бошқармаси ҳомийлигидаги «Эртак» болалар боғчаси Қашқадарё вилоятидаги намунали масканлардан бири ҳисобланади. «Эртак»да жорий ўқув йилида «Болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш таянч дастури» тажрибадан ўтказилаётир. Махсус мухбиримиз яқинда «Эртак»да бўлиб, боғча мудираси Гулсум Содиқова билан суҳбатлашди.

**— Гулсум опа, аввало ҳомий ташкилотларингиз — Муборак газ конлари бошқармаси боғчага қандай ёрдам кўрсатаяпти?**

— «Эртак»да нимаики қурилиш, янгилик яратилаётган бўлса, уларнинг барчаси Муборак газ конлари бошқармаси ҳомийлигида амалга оширилаётир. Тўғри, тарбияланувчиларимизнинг катта қисми «газчилар»нинг фарзандлари. Атрофимиздаги ташкилотлар ўз ҳомийлигидаги таълим муассасаларига «газчилар» сингари ёрдам кўрсатишаётганлари йўқ-ку! Айни кунда боғчада 139 нафар кичкинтой тарбияланаяпти. Режадагидан 20 нафар кўп бўлса ҳам нуридийдаларимиз учун барча шарт-шароит яратилган.

Гуруҳ хоналари гилам, юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган. Ҳомий ташкилотимиз саховати билан боғчамизда ўйинчоқлар хонаси, соғломлаштириш хонаси, мусиқа хонаси, қироатхона, фитобар, компьютер хонаси, тиббиёт хонаси, маънавият ва маърифат хонаси, радио, телевизор, магнитофон, спорт ва мусиқа асбоблари, ошхона жиҳозлари, боринги, шароит яратиб берилган.

**— Гулсум опа, «Таянч дастури» хусусида гапирсангиз. Ундаги мавзулар сизларга маъқулми?**

— «Болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш таянч дастури» биз шу пайтгача қўллаб келган амалдаги дастурий кўрсатмалардан жуда-жуда афзал. «Таянч дастури» кенг қамровли тузилган бўлиб, унда жисмоний тарбия, экология, ватанпарварлик, миллий қадриятларимиз, эстетик тарбия, бозор иқтисодиёти-пул муомаласи масалалари, бадиий адабиётлар билан ишлаш, болалардаги турли-туман иқтидорларни ривожлантириш каби ҳамма-ҳамма масалаларга эътибор қаратилган. Ҳатто «Одобнома» мавзуси ҳам назардан четда қолмаган. Жумладан, «увол» нима?, «савоб» нима? — барчаси содда тилда тушунтирилган.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, янги «Таянч дастури»да бир соат учун мўлжаллаб берилган айрим мавзуларни болаларимиз ярим соатда ўзлаштириб олишаяпти. Тарбиячиларимиз бундай мавзулар учраганда кичкинтойларга қўшимча топшириқлар беришаяпти.

Янги «Таянч дастури»ни шу куннинг талабларига мос тузилган деб айта оламан.

**Абдували ОБИДДИН суҳбатлашди.**

# ГУЛ БИЛАН ЭЪЗОЗЛАНГ!

*Ҳаётда нима кўп, байрам ва тантана кўп, Хушнуд кунларнинг саноғи йўқ. Шоир Султон Жўра таъбири билан айтганда, «Бизнинг ҳар кунимиз ўзи бир байрам»дир.*

*Эрта-индин бутун оламни кафтида тутишга қодир, борлиқни оқ ювиб, оқ тараб, асраб-авайлашга қодир, қалбининг ҳарорати ила Ой юзидаги доғларни, қуёш юзидаги ғуборни артишга масъул, бир қўли билан бешикни, бир қўли билан дунёни тебратаётган энг мўътабар, энг олижаноб зот – Онажонларимиз, опахонларимиз, сингилжонларимиз байрами.*

*Аёллар йилини садоқат, нафосат, меҳр-муҳаббат йили деб биламиз. Чунки нодир табиат — қалби дарё аёлларимизга эзгулик ва гўзалликни, мунислик ва мушфиқликни абадий фазилат этиб бағишлаган. Меҳрибон аёлларимизнинг самимий ва ширин сўзлари, меҳнаткаш қўллари, бемисл сабр ва бардошлари эвазига хонадонларимиз обод, кўнгилларимиз шоддир.*

*Юртимизнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий қудратини юксалтириш, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда хотин-қизларнинг ҳам камтарин хизматлари бор.*

*Тошкент Давлат авиация институтида ҳам талабаларга илм бериш билан биргаликда, уларни буюк анъаналаримизга, юксак маънавий қадриятларимизга содиқлик руҳида тарбиялаётган аёлларни санасак анча. Институт ректорининг биринчи муовини, доцент Ҳ.Ҳуснутдинова, ўқитувчилар О.Назирова, Н.Шарипова, М.Раҳматуллаева, Д.Нуриддинова, Н.Турсунхўжаева, Қ.Қодирбекова, Г.Шарипова, К.Шеина, Н.Расулова, М.Мирзаировалар талабалар қалбидан маънавияти бут инсон сифатида жой олишган.*

*Уларга гулдаста тақдим этгали бозорга югурамиз! Бунга имкон топмаганда, энг ёруғ тилакларимизни изҳор этамиз! Ахир аёл кайфиятини кўтармоқликдан кўра улуғроқ иш борми?*

У. ҚУРБОНОВ,
ТДАИ талабалар касаба уюшмаси раиси



Qutlov

# БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК!

*Юртимиз равнақи ва унинг буюк келажаги йўлида мамлакатимиз таълим тизимида фидокорона меҳнат қилаётган азиз муаллима ва тарбиячилар, ҳурматли опа-сингиллар, устозлар!*

*Сизларни Халқаро хотин-қизлар куни — 8 март байрами билан чин юракдан қутлаймиз.*

*Байрамингизнинг бу йилги файзи, шукуҳи ва тароватi ўзгача, чунки у Республикамиз Президенти И.Каримовнинг ташаббуси билан 1999 йилни "Аёллар йили" деб эълон қилинганлиги муносабати билан қўшалоқ байрамга айланди.*

*Сизлар доимо эл-юрт ҳурмат-эътибори, ардоғидасиз.*

*Ёш авлод тарбияси йўлида олиб бораётган эзгу ва заҳматли фаолиятингизда доимий ривож тилаймиз. Мамлакатимизнинг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни ҳаётга тадбиқ этишда Сизларнинг ўрнингиз беқиёсдир.*

*Таълим жонкуярлари — Сиз азиз опа-сингиллару устоз мураббияларимизга яна бир бор бахт-саодат ва оилавий хотиржамлик тилаб қоламиз!*

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги**

Hamkasblarimiz

# МЕҲНАТНИ ҚАДРЛАГАН ИНСОН

*Маҳкам ака Қўчқоров ҳақида гап кетганда, доноларимизнинг «Ҳурматинг бор — ҳикматинг бор» нақли беихтиёр эсга тушади. Чунки устознинг турган битгани ҳикмат. Газетада у билмаган ишнинг ўзи йўқ. Сирасини айтганда, Маҳкам ака Қўчқоров «Маърифат»даги 41 йиллик фаолияти давомида ўз касбининг пири бўлиб кетди. Не бахтки, у ўзининг табаррук 60 ёшини қадрдонлари, дўстлари даврасида қаршилаб турибди. Устоз ҳамон йигитлардай жўшқин, қадамлари илгаригидай шаҳдам.*

*— Кўпчилик Маҳкамдан, унинг фаоллигидан ўрнак олиши керак, — деди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Маҳкам Раҳмонов. — У газета иши учун яралган десам муболаға бўлмайди.*

*Дарҳақиқат, М. Қўчқоров уйқудан ҳар тонг газетам деб уйғонади. Газетанинг макетлари аввал унинг хаёлида пишиб етилади ва кейин қоғозга кўчади. Мабодо унга бир пас дам олинг, дегудек бўлсангиз, у:*



***— Фарзандларим, невараларим учун ризқ, насибани шу ердан топаяпманми, демак, сидқидилдан ишлашим, жон койитишим керак,*** *— деб жавоб беради.*

*Бу фикрлар шогирдлари қалбида акс садо бераяпти. Маҳкам аканинг шогирдлари «Маърифат» газетасида ва бошқа турли хил нашрларда ҳам ишлашяпти.*

*— Бутун умрини фақат битта газетага бағишлашнинг ўзи бўлмайди, — деди Маҳкам аканинг ҳамкасби Ғаффор Маннопов. Уни чин маънода дарға, фидойи, меҳнатга муҳаббатли инсон, деб аташ жоиз.*

*Муҳими, Маҳкам ака Қўчқоров шогирдлари қалбидан ана шу тарзда жой олган ҳамда ўзига хос ибрат, маҳорат ва меҳнат мактаби яратган фидойилардан бири. Зеро, меҳнатга муҳаббат қўйган, меҳнатни севган инсонлар ҳеч қачон кам бўлмаган. Дунёда тан олинган буюк ёзувчи Лев Толстой ҳам бу хусусда шундай лутф қилган эди: «Меҳнат, меҳнат! Меҳнат қилаётганимда ўзимни қанчалар бахтиёр ҳис этаман». Маҳкам аканинг доимо хушчақчақ юриши ҳам балки шундандир. Уни танимаган одамга кўрсатиб «Шу инсон куни кеча 60 ёшга тўлди» десангиз ишонмайди, мўйсафидлар қаторига қўшмайди. Чунки қалби баҳор бу инсон ҳамиша ёш кўринади. Бу унинг кенг феъллилиги ва камтарлигидан далолат. Бу каби фазилатлар Сизни ҳеч қачон тарк этмасин!*

*Фарзанд ва невараларингиз бахтига ҳамиша омон бўлинг, Маҳкам ака!*

**«МАЪРИФАТ»ЧИЛАР**

# АЁЛЛАР АНЖУМАНИ

Аёл она, суюкли рафиқа бўлиш билан бирга уддабурон тадбиркор, ажойиб ташкилотчи, ишчан раҳбар ҳам бўлиши мумкинлиги юртимиз мустақил бўлгандан сўнг яна бир бор ўз исботини топди.

Куни кеча БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда ўтказилган «Аёл ва ривожланиш» мавзусидаги семинар бунинг аниқ далилидир.

Унда чет эллик тадбиркорлар, ўзбекистонлик ишбилармон ва раҳбар аёллар иштирок этди. Семинарни республика хотин-қизлар қўмитаси раиси, Ўзбекистон Республикаси бош вазири ўринбосари Дилбар Ғуломова очди ва олиб борди. Сўзга чиққан аёлларнинг барчаси истиқлол даврида аёлларга берилган имтиёзлар, уларга кўрсатилган ғамхўрлик ва эътибордан хурсанд эканликларини, мустақил Ўзбекистон учун ҳали янги-янги кашфиётлар, фойдали юмушлар қилишларини айтиб ўтдилар.

**У.ҲАСАНОВА**

# СИЗ-ЛА ОЛАМ МУНАВВАР

Оби Машат маҳалла аҳлининг болалари Сиёб туманидаги 21-ўрта мактабда таълим оладилар.

Ёш авлодни тарбиялабшда оила-маҳалла яқиндан алоқада бўлиб иш олиб боришади. Маҳалла аҳли ва педагогик жамоанинг ёш авлодни соғлом ва баркамол қилиб тарбиялашдаги мақсади битта: уларни мустақил Ўзбекистонни келажакда буюклик сари етакловчи иқтидорли, ишбилармон ва соғлом қилиб вояга етказиш.

Шу маънода бу ерда турли хил маънавий ва тарбиявий тадбирлар ўтказилиб келинмоқда. Жумладан, куни-кеча мактабнинг 10-«Б» синф ўқувчилари, маҳалла хотин-қизлар қўмитасининг раиси Қаноат Зоҳидова ва бошқа бир қатор фаол аёллар билан «Аёл борки олам мунаввар» мавзусидаги учрашув кечаси ўтказилди. Уни мактаб директори Сайёра Меликова очиб бердилар. Ўқувчилар аёл рамзини мадҳ этувчи шеър ва куй-қўшиқлар ижро этишиб, оилада — меҳрибон она, жамоада — моҳир педагог, маҳаллада – хотин-қизлар қўмитаси раиси Қаноат Зоҳидованинг ҳаёт йўли билан таништирувчи савол-жавоблар ўтказишди. Тадбир ёшларда яхши таассурот қолдирди.

**Мамажон АҲМЕДОВ,**
**«Маърифат»нинг жамоатчи мухбири**

Ta'limdagi ayollar

# "ТАЪЛИМ ФИДОКОРЛИКНИ ТАЛАБ ЭТАДИ"

Жиззах вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Гуландом Субҳонова билан суҳбат қилиш нияти менда анча илгари туғилган эди. Бироқ, «мавриди келмагунча маромга тушмайсан» деганларидай, ҳали у нарса, ҳали бу нарса сабаб бўлавериб, имкон қурғур ҳеч жиловини тутқизмади. Ниҳоят, шу кунларга келиб, ниятимиз вожиб бўлди. Гуландом опа билан суҳбатлашдик. Байрам баҳона, шу суҳбатни сизнинг ҳам ҳукмингизга ҳавола этмоқчимиз.

**— Гуландом опа, аввало суҳбатимиз маромини белгилаб олсак. «Раҳбар Гуландом Субҳонова». «Аёл Гуландом Субҳонова». Саволларимни шу икки мавзу теварагида бермоқчиман. Ибтидода, раҳбар сифатида Жиззах вилоятидаги халқ таълимининг бугунги аҳволи тўғрисида сўзлаб берсангиз?**

— Вилоят халқ таълими ходимлари «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари асосида бир қанча ишларни амалга оширмоқдалар. Кейинги йилларда вилоят халқ таълими бошқармаси таълим мазмунини янгилаш, иқтидорли ўқувчилар билан ишлашни такомиллаштириш борасида сезиларли натижаларга эришяпти. Илғор педагогик технологияларни қўллаш, ўқув жараёнида ноанъанавий дарс турларидан фойдаланиш, ўқувчилар билимини адолатли ва тўғри баҳолаш воситаси бўлган тест синовини кенг қўллаш, назорат-рейтинг тизимида баҳолашга ўтиш бўйича муайян ишлар қилинди.

**— "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури', агар таъбир жоиз бўлса, келажагимизнинг дастурламали. Уни амалга ошириш юзасидан вилоятда қандай ишлар амалга оширилялти?**

— Аслида, фаолиятимизнинг туб йўналиши ҳам шунга қаратилган. Талай амалий ишлар қиляпмиз. Вилоятнинг Зафаробод, Арнасой, Пахтакор туманлари халқ таълими бўлимларининг «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни бажариш борасидаги ишлари ҳамда ўқув-тарбия жараёнига раҳбарлиги мутахассислар томонидан ўрганиб чиқилди ҳамда ҳайъат йиғилишида муҳокама қилинди. Дастурни амалга оширишнинг калити, шубҳасиз, замон талабларига жавоб берувчи, малакали мутахассислар қўлида. Ўтган йил мобайнида 1704 нафар ўқитувчи вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш институтида, 179 нафари халқ таълими ходимлари малакасини ошириш марказий институтида ўз малакаларини оширишди ва қайта тайёрловдан ўтишди. Йил давомида 23 нафар юқори малакали, тажрибали ўқитувчиларнинг илғор иш услублари ўрганилди ва оммалаштирилди. Таълим ва услубиётнинг энг долзарб масалаларига оид 36 та семинар, 22 та конференция ўтказилди.

**— Мутахассислар ҳақида гап очдингиз. Сир эмас, мамлакатимизда ўқитувчилар етишмовчилиги мавжуд. Бу муаммони ҳал этиш учун сизларда нималар қилиняпти?**

— Вилоят бўйича таълим муассасаларининг кадрлар билан таъминланишини таҳлил қилиб чиқдик. Мактабларимизда 19031 нафар ўқитувчи фаолият кўрсатаяпти. Яна 1162 нафар ўқитувчи етишмайди.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари битирувчиларини тақсимлаш, ишга жойлаштириш, уларга шароит яратиб бериш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Ёш мутахассисларнинг тақсимот бўйича иш жойларига етиб келишлари ва ўрнашиб қолишлари учун ўқув юртларида ўтказилган тақсимот комиссияси ишида жойлардан вакиллар қатнашиб, ишлаш ва яшаш учун яхши шароит яратилиб берилиши ҳақида тушунтириш ишлари олиб бориляпти. Кадрлар қўнимсизлигини камайтириш юзасидан қилинаётган ишлар натижаси ўлароқ, ўтган йили ходимлар қўнимсизлиги аввалги йилларга нисбатан икки бараварга камайди.

**— Гуландом опа, раҳбарлик ишингиз оила юмушларингизга таъсир қилмайдими?**

— Таъсир қилади, албатта. Лекин барчасига улгуришга ҳаракат қиламан. Биласизми, ҳар бир ишни пухта режалаштириб бажарсангиз, муаммоларга дуч келмайсиз. Ёшлигимдан шунга одатланганман.

**— Аёллардаги қайси хислатни қадрлайсиз?**

— Саришталикни. Чунки, аёл – гўзаллик, поклик тимсоли. Шу боис, у шу тимсолга муносиб бўлиши керак.

**— Гуландом опа, сизнинг машаққатли, бироқ эзгу ишингизда муваффақиятлар тилаймиз. Байрамингиз муборак бўлсин! Суҳбат учун эса ташаккур.**

**Асқар ШОКИР**
**суҳбатлашди**

# САДОҚАТ СОҲИБИ

***Ўзгалар ғамини чекмаса одам,***
***Унга нолойиқдир инсон деган ном.***

**Саъдий Шерозий**

— Ассалому алайкум, яхши келдингизми, дадаси? - дея кулимсираб Баҳромбек акага пешвоз чиқади умр йўлдоши Рўзигул опа.

— Ва алайкум ассалом, яхши ўтирибсизларми? Фақат асабинг бузилмасин, бугун сал ёмонроқ келдим. Қўрқма, ойликни тўлалигича олиб келдим: мактабга футбол коптоги ҳам сотиб олмадим, сакраш майдонига қум ҳам . Фақат, фақат... ёшлик завқим тошиб, тишимда 32 килограммлик тошни тишлаб бир марта отган эдим, протез тишларимни ҳам отиб юборибман. Бу сунъий тиш сунъий эканда, дош беролмади-я.

— Қўйсангиз-чи, шунақа ҳам бўладими, тиш қўйдирганингизга ҳам бир йил бўлмаган эди-я, эсиз - эсиз, зорланди аёл.

Ҳа, азизлар, 60 ёшга кирса ҳам ҳамон куч-қувватга тўла ихчам бу «йигит» Акмал Икромов тумани Аҳмад Яссавий номидаги 203-ўрта мактабнинг олий тоифадаги жисмоний тарбия ўқитувчиси Баҳромбек Каримбековдир.

Баҳром ака муқаддас даргоҳда 40 - йиллар чамаси ишлаб келаяпти.

Ўша пайтлардаёқ мактабнинг собиқ директори Эргаш ака Камолов: «Баҳромбекни мактабга олиб келиб яхши иш қилибман», - деб ғурурланадиган бўлдилар.

Бу тиниб-тинчимас фидойи ўқитувчини доим ўқувчилар теграсида учратасиз, унинг дам олиш куни, соатлари ҳам мактабда ўтади.

Баҳром ака Каримбеков ҳар бир тонгни «Бугун дарсда қандай янги нақл қўлласам экан» деган ўй билан қаршилайди.

Тўғри, ўз касбига садоқатли ўқитувчилар шаҳримизда, жумҳуриятимизда талайгина . Аммо, Баҳром акадай ўз касбини ҳунар даражасига айлантира олган ўқитувчилар кам учрайди.

Қўшнининг ўғли футбол коптогини ёриб қўйса, нажот излаб Баҳромбек амакисининг олдига чиқади. Амакиси унинг дилини топади: коптокни ямаб беради ёки туғилган кунида совға қилинган яхши бир коптокни бериб юборади.

Юраги кишиларга яхшилик қилиш ниятида урадиган, қони кишилар оғирини енгил қилиш ҳисси билан йўғрилган бу инсоннинг биз тилга олмаган қирралари қанча...

Нодар Думбадзе: «Одамнинг юраги танасига қараганда бир неча баробар оғир. Шунинг учун ҳам юрагимизни кўтаришда бир биримизга: сиз менга , мен унга, у эса бошқа бировга ёрдам беришимиз керак. Акс ҳолда йўлда йиқилишимиз мумкин — деган экан.

Баҳромбек Каримбеков бир устоз сифатида ҳам, ака, ука, ота, умр йўлдош, қўйингки, бир дўст сифатида ҳам одамлар кўнгли учун ўзини аямайди.

Баҳромбек Каримбековнинг меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. У Ўзбекистон Олий Кенгашининг фахрий ёрлиғи, «Халқ маорифи аълочиси», «Катта ўқитувчи», «Фидойи ўқитувчи» сингари қатор унвон ва мукофотлар соҳибидир.

Бугун умрининг 60 баҳорини қаршилаётган Баҳромбек ака Каримбековни муборак ёшлари билан табриклаш баҳонасида унинг баъзи фазилатларини баён этишни лозим деб топдик. Зеро, бундай ўқитувчилар юртимизда кўпаяверсин. Агар Баҳромбек Каримбеков ҳақида чалган куйимиз авж нуқтасига етмай қолган бўлса, буни ҳаяжон натижаси дěб билинг.

**Муҳайё АБДУШУКУРОВА**

Izhor

# ОППОҚ СЎЗНИНГ МАЪНОСИ

**У ҳақда ўйласанг, ўйларингни поклагинг келади. У ҳақда хаёл этсанг хаёлларингга оппоқ кўйлак кийгизишинг керакдек. У ҳақда ёзаверсанг, ёзиш нақадар мушкуллигини, ёзмасанг, ёзмаслик нақадар мушкуллигини ҳис қилаверасан. У ҳақда ёзаётганда қаламингдан меҳр тўкилиши лозим. Акс ҳолда сенинг деяётганларинг У ҳақда эмас. Яхшиси У ҳақда баҳорда ёз. Кўнглингни баҳор қилиб ёз. Негаким Унинг ўзи – Баҳор. У – АЁЛ!**

**АЁЛ – оппоқ сўзининг маъносига ўхшайди. Аёл – матонат сўзининг таржимасига ўхшайди. Аёл - эзгулик сўзининг тажнисига ўхшайди. Аёл... у яна нималарга ўхшайди? Билолмадим. Билганим: аёл – аёлга ўхшайди!**

**Замонлар ўтди. Аёл аёлга ўхшамай қолган замонлар. Аёлни юксакликдан ерга тушириб қўйган замонлар. Чиройини пахта эгатларига сочиб ташлаган замонлар. Ўтди.**

**Бугун... аёл нималар ҳақида ўйлаяпти? Ўйлари оғриқли эмасми? Хаёллари оғир эмасми? Бошларингга ёмғирдек ёғаётган бу саволлардан бошингни тўсгинг келмайди. Келмасин ҳам. Чунки сен бу саволларга жавоб беришга маҳкумдек масъулиятни туясан. Ахир у сенинг борлигингга, борлиғингга ва унинг тақдирига берилган савол. Унга берилган жавоб эса, сенинг тақдиринг билан ҳам уйғунлашган.**

**Сен мозий дарчасидан ичкарига нигоҳ ташла. Бир табиийликнинг шоҳиди бўласан. Ҳар қандай замонда аёл жамиятнинг маънавий қиёфасини белгилаб келган. Аёл ўз даври ахлоқининг – сурати. Аёлнинг нигоҳига боқиб, ўша жамиятни характерлаш мумкин.**

**Шундай экан, шу ақидалар бағридан бир савол мўралайди. Бугун аёл қадри ҳақида ёзаётганда нималар деб ёзиш мумкин?**

**Мен шу саволни ҳозиргина увада булутларнинг кўз ёшини артиб олган йўлак аро кетаётган бир аёл қаршисига қўяман. У – ўқитувчи аёл. Кўраяпсанми, у теграсига чўчиб боқмаяпти. Унинг кўнгли тинч. Қара, унинг кўксида момосидан қолган зийнатлар маржони. Уни ҳеч ким таъқиб қилмаяпти. У ўзлигига қайтишдан чўчимаяпти. Демак, у – озод! Эътибор қил, унинг чеҳрасида муҳрланган табассум бор. Шу табассум пештоқига диққат қил: « Президентимиз ташаббуси билан ушбу йилимиз Аёллар йили деб эълон қилинди». Демак, аёл қадрланди!**

**Улуғ шоирлар салафи Хоразмий дейдики:**

**«Қаро мен ол яноқингга**
**ярошур,**
**Бошим доим аёқингга**
**ярошур»**

**Ҳазрат Хоразмий аёлга ердан бир одам бўйи кўтариб мурожаат этаяпти. Ундан ўтказиб мен сўзсиз не ҳам дердим. Мен аёл ҳақида сўз деёлмадим. Аёл ҳақида дейиш мумкин бўлган сўзгача йўл юрдим, балки...**

**Алишер НАЗАР**


## Тошкент молия институти (ТМИ) «ILM-FAN MASLAHAT»

**ўқув-консалтинг Маркази махсус курсларга қабул эълон қилади:**

• «Замонавий ҳисобчи», бухгалтерия ҳисоби, солиқ ва солиққа тортиш, банк хизмати, 1 С- бухгалтерия дастуридан фойдаланган ҳолда шахсий компьютерда ўқитиш.

• «Шахсий компьютерларда офис ва амалий дастурлар билан ишлаш асослари» (MS – DOS, Windows 95, MS office, 1 С - бухгалтерия)

Курсни тамомлагандан сўнг Тошкент Молия институтининг сертификати берилади.

• «Тест-синов имтиҳонларига тайёргарлик» (математика, инглиз тили ва бошқалар).

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Машғулотлар жорий йил 15 мартдан бошланади. Қуйидаги мавзуда амалий семинар ташкил этади:

• **«1999 йилда корхоналар ва ташкилотлардаги бухгалтерлик ҳисоби ва солиққа тортишдаги айрим ўзгаришлар тўғрисида».**

Семинар «савол - жавоб» шаклида солиқ органларининг етакчи мутахассислари иштирокида ўтказилади.

Семинар шу йил 18 март куни соат 15.00 да бошланади.

Тўлов пул ўтказиш ёки накд пул тўлаш орқали амалга оширилади.

Тингловчилар ҳар куни соат 9.00 дан 15.30 гача, шанба куни 12.00 гача ТМИнинг Солиқ ўқув Марказида қабул қилинади.

(«ILM - FAN MASLAHAT» ЎКМ 1 - қават)

***Манзилимиз: Саидов кўчаси, 3. Мўлжал: С.Раҳимов туман ҳокимлиги, «Нукус» к/т, республика кўз касаллиги касалхонаси рўпарасида.***

**Телефонлар: 46-70-15, 46-62-47 кундузи, 51-96-84 ҳар куни 8.00 дан 22.00 гача.**


Xatlardagi qalb harorati

# ОНАЖОНЛАР ИЗҲОРИ

1998 йил Президентимиз томонидан «Оила» йили деб эълон қилинган бўлса, 1999 йил «Аёллар йили» деб эътироф этилди. Бу оналарнинг яна бир карра эъзозланишига ишора. 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни яқинлашиб келмоқда. «Маърифат» газетаси таҳририятига опа-сингилларимиздан кўплаб хатлар келади. Уларнинг айримларини сизнинг ҳам таважжуҳингизга етказмоқ нияти туғилди.

Биринчи мактубда анча турмуш тажрибаларига эга бўлган бир опамиз Сурхондарё вилоятидан шундай деб ёзадилар: — Инсон, оила, аёл тушунчаларини бир-биридан ажралган ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Аёллар ҳаётимизнинг асосий тимсолидир. У бор жойда нафосат, меҳр, гўзаллик, мулойимлик, ҳаётга муҳаббат бор, ахир улар ҳар фаслга жило бағишловчи, уйғониш ва абадият мусиқасини яратувчи буюк кучдир.

Туйғулар оқиб ётган бу дунёнинг энг жўшқин, тўфонли кураши нуқтасида аёл туради. Унинг мавжудлиги, ҳаётнинг тантанасидир. Аёлсиз уйни тасаввур қилинг, у нурсиз вайронага ўхшайди. У билан уй мунаввар, фарзандлар бахтиёр, ҳаммаёқ осойишта. Қайси вилоят, қишлоқда бўлишмасин, улар аввало уй бекаси, меҳрибон она, хизматчи, ишчи, колхозчи, машинист, фаррош, ҳайдовчи, қўйингки, ҳар соҳада фаол. Уларнинг қадр-қиммати ҳам шунда. Қиз бола – палахмон тоши деганлари рост экан.

Мен қўшни қишлоққа келин бўлиб тушдим, минг шукурким, кам бўлмадим. Ўзим қишлоқ мактабида муаллимаман. 20 йилдирки, турмуш ўртоғим билан «санманга» бормадим. Тўғри, эркак киши кўпроқ кўчанинг одами, уйга меҳмондек келиб, меҳмондек кетади. Аёл эса унинг ҳурматини жойига қўйиб, ақлли мезбон бўлиши, қизларига ҳам доимо шуни уқтириши керак. Эр ишдан келганда, ҳамма ишни четга суриб, унга пешвоз чиқинг.

Борлиқни, баҳорни, дунёни аёлларга берайлик! Бешикларни мустақиллик шабодаси тебратсин! Унда юртнинг бўлажак паҳлавон ўғиллари, иболи қизлари вояга етсин! Ҳар хонадонда она алласи эшитилиб турсин. Оналарнинг кўзларидан асло ёш оқмасин!

Иккинчи хат Бухоро вилоятидан.

— Яхшиямки, дунёда мурувватли инсонлар кўп. Ҳар бир она ўз дилбандини ботир, паҳлавон ёки баркамол қилиб тарбиялагиси келади. Аммо фарзанд учун, ота-она бош ҳомий бўлса, ён-атрофдагилар, мактаб, маҳалла бу ҳомийнинг ёрдамчисидир. Ҳозирда айрим ота-оналар қорнимиз тўқ, эгнимиз бут, байрамлар, тўйларимиз кўп, дея фарзанд тарбиясига ҳам озгина лоқайд қарашмоқда. Эркак ўқитувчилар деярли йўқ. Ўсмир болалар улғайиб, ёмон йўлларга кириб кетишяпти.

Ҳадисларда ҳам шундай ёзилган, ота-онанинг фарзанд олдида уч қарз фарзи бордир. «1. Дунёга келган фарзандига мазмунли исм қўйиш, яъни ҳамманинг олдида ўз исмидан уялмасин. 2. Жисмоний ва маънавий, яъни касал бўлса қараб уни боқиш, кейин мактабга бериб илм ўргатиш, ҳар томонлама мукаммал тарбиялаш. Токи бир куни ота-онани юзини ерга қаратмасин. 3. Ҳурмат эхтиром, салом бериш, сабр-қаноат ва шижоатли бўлишни ўргатиш, бирор ҳунар ўргатиш, вояга етганда ўғил бўлса уйлантириш, қиз бўлса турмушга бериш». Биз оналар ўз фарзандларимизни то мактаб остонасига олиб боргунча тунларни бедор ўтказиб, мижжа қоқмай тонг оттирамиз, жамиятга фойдаси тегадиган инсон бўлишини истаймиз. Бошимиз эгилишини истамаймиз. Доно халқимиз бежиз айтмаган, «Бир болани етти ёшга еткизгунча еттита шаҳар обод бўлади» деб. Ҳурматли таҳририят ходимлари, мен ўзим ҳам муаллимаман. Мактабда юзлаб болалар, уйда эса ўз фарзандларим тарбияси билан шуғулланаман.

Демоқчиманки, юртимизда тинчлик-хотиржамлик бўлсин!

Тўйлар тўйга улансин! Ёр-ёр тинглаб, юракларимиз энтиксин:

Тоғда тойчоқ кишнайди,
От бўлдим деб ёр-ёр,
Уйда келин йиғлайди
Ёт бўлдим деб, ёр-ёр.
Йиғлама қиз йиғлама
Тўй сеники ёр-ёр!
Тўй сеники, ёр-ёр!
Остонаси тиллодан
Уй сеники, ёр-ёр
Уй сеники ёр-ёр

Ҳа, мустақил Ўзбекистоннинг бахтли оилалари кўпайсин! Қуёшни қаранг, чарақлаб нур сочяпти! У ҳатто қиш кунларида ҳам бизнинг юртни тарк этмаган. Ана чақалоқ овози! У буюк боболаримиз Амир Темур, Имом ал Бухорий, Ислом Абдуғаниевич Каримов каби буюк инсонлар юртида туғилганини ҳис этиб йиғлаяпти...

Йиғлайвер, болажон!

Онанинг дил изҳорлари бисёр! Уларнинг барчаси ижобат бўлсин! Баҳорнинг ёқимли шабадаси эсиб, кўклам ҳаммани байрамга чорлаётир.

**Саломатхон ҲАСАНОВА**

# ТОКИ ЕР ЮЗИДА...

*Токи ер юзида биттагина аёл мавжуд экан, улар ҳақида ҳамиша нимадир янги гап айтиш мумкин.*

**С. БУФФЛЕР**

*Севимли аёлнинг ҳаттоки қаҳри ҳам бизнинг бахтли дамларимизда бошқа аёллардан топишимиз маҳол бўлган чексиз жозиба билан тўлиб-тошгандир.*

**СТЕНДАЛЬ**

*Аёл фидойиликни тушунибгина қолмай, ўзини фидо қилишни ҳам билади.*

**И. ТУРГЕНЕВ**

*Кўча севгиси уйни барбод этар,*
*Уйингни хотин меҳри обод этар.*

**САЪДИЙ**

*Аёл эркак зотининг буюк мураббийсидир.*

**О. БАЛЬЗАК**

*Аёлсиз ҳаёт тонги ва оқшоми заиф, кундузи эса — ғамгин бўлиб қолар эди.*

**П. БУАСТ**



Гул ичра гул...

# ЭРКАКЛАРГА МАСЛАҲАТЛАР

**Ҳа - зил**

*Хотинингиз одатдагисидан қуюқроқ эркаланаверса, дарров яширган жамғармангиздан хабар олинг.*

* * *

*Уйингизда камроқ жанжал чиқишини хоҳласангиз, телефон дафтарчангизни фақат ишхонангизда сақланг.*

* * *

*Хотин киши олдида «эҳтиёт» бўлиб туш кўрмоқ лозим.*

* * *

*Агар хотинингиз сиз билан «уришиб» гаплашмай қолса, ишдан уйингизга аёллар духисини сепиб келинг. Ана шунда хотинингиз дока рўмол қуригунча ҳам сабр қилолмайди.*

* * *

*Хотин кишининг «лағмони» кўп бўлади. Лекин уни бўлар-бўлмасга қулоққа «осиб» олавериш яхшиликка олиб келмайди.*

* * *

*Хотин кишига қўрқмай иш буюринг. Акс ҳолда у сизга ўргатиб қўяди.*

* * *

*Эрни қул қиладиган ҳам хотин,*
*Чўнтагини чўл қиладиган ҳам хотин.*

**Xullas...**

## ШИРАКАЙФ АЁЛ «САРГУЗАШТИ»

Ичкилик орқасидан не бир номаъқулчиликлар келиб чиқмаган. Жанжал тўполонларни-ку қўяверинг, оби-замзамдан «отиб» олса, аёллар ҳам ўз боласини танимай қолар экан.

Унчалик катта бўлмаган Салехард шаҳрида бир аёл ул-бул харид қилиш учун дўконга кирди. Коляскадаги боласи эса кўчада қолди. Қайтиб чиқса на коляска, на бола бор. Дод- вой, бақир - чақир қилгач, милиционер ҳозир бўлди. Орадан тахминан 40 дақиқача ўтиб, коляскани ўша атрофдаги уйлардан бирининг ёнидан топишди. Бола пишиллаб ухлаб ётар, таажжубланарлиси, унинг «ўғри»си қаёққадир ғойиб бўлганди.

Ўзиникига ўхшаш коляскани кўриб қолган бошқа бир аёл ширакайф бўлса-да, уни судраб уйига олиб кетди. Ўзининг боласи кроватда ётганини кўрди-ю, хавотири босилиб, бегонасини кўчага олиб чиқиб қўйди.

Хайриятки, ўша куни қутбга яқин бу шаҳарчада ҳаво майин эди...

## КАМПИР ВА ҚАРОҚЧИ

Шундай вазият: ҳаётинг хавф остида. Тун ярмидан оққан. Барзангидек йигит пичоғини кўрсатиб пул ва қимматбаҳо буюмларни талаб қилиб турибди. Қалтираган кампирнинг ёши тугул куч- қуввати ҳам кетган. Жон ширин, қалтис вазиятдан қандай қилиб бўлса ҳам чиқиб кетиш керак.

Кампир ўғрининг талабини гўёки бажармоқчидек бўлиб, қўшни хонага чиқди. Қароқчи бор-будини олиб чиқади, дея кутиб турарди. Лекин уй бекаси пул билан эмас, болта билан қайтиб чиқди. У ҳимоя воситасини орқасига яшириб олганди. Босқинчи унга яқинлашди. Пайт пойлаган кампир ўйлаб-нетиб ўтирмай, болтани ўғрининг башарасига тушириб қолди. Жон ширин-да, талончи эпчиллик билан чап берди. Лекин барибир чап юзидан озгина жароҳат олди.

Жиноятчи кампирга бас келолмаслигини англади шекилли, жуфтакни ростлади.

## ТИЛШУНОС ХОНАНДАНИ ЧОРЛАЙДИ

Санскрит - ҳиндларнинг энг қадимги тили. Уни ўзлаштириб олган кишилар саноқлигина. Ватиш Шастри ана шу тилни мукаммал биладиган олим бўлиб, машҳур қўшиқчи Мадоннага шундай илтифот кўрсатди: «Кўҳна қасидалар, донишмандлик акс этган бу тилни ўрганмоқчи бўлсангиз, бизга марҳамат қилинг» .

Бунинг учун Мадонна келгуси йили жўшқин ва сирли Ганг дарёси соҳиллари, ҳиндийларнинг тарихий шаҳри Варанасига ташриф буюради. Чунки Шастри шу шаҳарда истиқомат қилади ва санъат юлдузи билан ҳамкорлигини бошлайди.

Шастри жаноблари бу мақсадни нима учун ўз олдига қўйди экан? Гап шундаки, у қулоқларига икки карра овоз кучайтиргичи қўйиб, Мадоннанинг энг сўнгги қўшиқлар тўплами «Ёруғлик нури»ни эшитар экан, бундан 1200 йил муқаддам санскритда ёзилган «Йог Таравали» трактатидан олинган сатрларга дуч келди.

Демак, Мадоннада бу соҳага қизиқиш борга ўхшайди. Олимнинг таклифи хонандага хуш келди шекилли, таклифга бажонидил рози бўлди. Шундай қилиб, Мадоннани Ганг дарёси соҳиллари чорламоқда.

**ana shunaqa gaplar...**

# СЕН БАРИБИР МУҚАДДАССАН, МУҚАДДАС АЁЛ!

## ЛУТФ

* * *

Оналарнинг оёғи остидадур
Равзаи жаннату жинон боғи.
Равза боғин висолин истар эсанг,
Бўл онанинг оёғи тупроғи.

**Алишер НАВОИЙ**

* * *

Мен шарқлик одамман,
Аёл деган сўз
Менга ҳаёт билан баробар калом .
Оҳ, аёл хўрлигин кўрсатма ҳаргиз,
Ҳаргиз бад бўлмагай аёл деган ном.

Аёл чеҳрасида кўрсанг табассум
Билки, замона тинч, осойиш олам.
Аёлга тиласанг гар толе маъсум,
Дунёни оловдан асра, эй, Одам!

**Абдулла ОРИПОВ**

* * *

Сен дарёсан, ўпганини қирғоқ яширар,
Жуфтим бўл, - деб чопганини ҳар тоқ яширар,
Жаннатим, — деб қувонмасдан қумлоқ яширар,
Сен барибир муқаддассан,
муқаддас Аёл!

Асли ёлғон эрмакларнинг борар ери—Сен,
Росту ёлғон эртакларнинг борар ери—Сен,
Асов отдай эркакларнинг борар ери—Сен,
Сен барибир муқаддассан,
Муқаддас Аёл!

**Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА**

* * *

Ўйноқи хаёллар олиб қочганда,
Атиргул илк марта ғунча очганда,
Кўкда ой, юлдузлар ёғду сочганда
Тилайман Оллоҳим, асра онамни!

Майли тавоф қилай изларингизни,
Мен ичиб тўймаган сўзларингизни,
Мудом ўтли кўрай кўзларингизни,
Тилайман Оллоҳим, асра онамни!

**Гулноза ШАҲРИЁРОВА,**
**ТДПУ талабаси**

* * *

Сахийликда бағри осмон,
Гардсиз қалби билмас нуқсон.
Бу оламда улуғ инсон—
Онажоним сиз ўзингиз.

Бошим силаб дардим олган,
Тунлар уйқулардан қолган
Юрагимга илҳом солган —
Жонажоним сиз ўзингиз.

**Обиджон ДЕҲҚОНОВ,**
**лицей ўқувчиси**

* * *

Сизда Тўмариснинг шижоати бор,
Сизда Нодиранинг садоқати бор.
Лайли ва Шириннинг латофати бор.
Эй, қадим Туроннинг мунисалари.

Сизку оиланинг асл маъноси.
Сизда бор улуғлик - инсон ҳаёси.
Сиз ҳар бир Анварнинг ҳар бир Раъноси,
Эй, қадим Туроннинг мунисалари.

**Шерали ЁДГОРОВ,**
**ЎзДЖТУ қошидаги лицей ўқувчиси**

# УЛУҒЛИККА ЭШ ОДАМЛАР

«Устоз — отангдай улуғ» деб бежиз айтилмайди. Бундай фикрнинг яратилишининг асосий сабаблари бор. Ҳаётда устозларнинг тутган ўрни нақадар улуғлиги, улар меҳнатининг, берган таълим-тарбиясининг, тинимсиз изланишларининг натижасидандир. Ўқув даргоҳига илк бор қадам қўйган гўдак ҳаяжон билан шу даргоҳ остонасига кириб келади. Бу термулиб турган жажжи нигоҳларни муаллим меҳр кўзи билан қарши олади. Илк бора шу гўдак қалбида Оллоҳ таоло томонидан берилган уч хислат — меҳр-муҳаббат ва яратувчанликни шакллантириб боради. Мана шу хислатларни мурғак-гўдак қалбига сингдириб бориш ота-оналар билан биргаликда устозлар зиммасида ҳамдир. Ўқувчи қалбига тўғри йўл топа билиш ҳар бир устоздан меҳнат талаб қилади. Ҳар бир ўқувчининг билим олиш қобилияти, характерига қараб иш олиб бора бошлайди. Гўдакнинг нозик қалбига жароҳат етказмай унга меҳрли, мурувватли ва самимий муносабатда бўлади. Озор топган, дўқ-пўписадан чўчиган қалбга билим ва тарбия бериб бўлмайди. Аксинча, у ўз устозининг салбий томонларини ўзида мужассам қилади. Йиллар ўтиб, улғайиб меҳр кўрган устозларнинг тимсолини ҳамиша қалб ардоғида эслайди. Унга бўлган ҳурмати янада ошади.

Ҳа, касблар орасида энг мураккаб, катта масъулият талаб қилинадигани муаллимлик. Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 214-мактабда меҳнат қилаётган ўқитувчи ва устозлар тимсолида мана шундай олижаноб хислатларни кўриш мумкин. Мактаб ҳовлисига кириб борар экансиз, бу ердаги ўқитувчи ва ўқувчиларнинг озодаликка нақадар катта эътибор беришларини кузатасиз. Ҳар бир синф учун ажратилган ер майдони ҳамиша ўқувчилар билан гавжум. Дарсдан бўш вақтларида бу ерда экилган кўчатлар, гулларни парвариш қилишади. Ҳар доим супуриб-сидириб озодалигига катта аҳамият беришади. Чунки бу ерда ўзлари дам оладилар, турли хил ўйинлар ўйнайдилар. Шу ердаги мактаб жамоаси билан суҳбатлашганимда бу ерда ишлаган собиқ раҳбар Жўра Жалиловнинг мактаб ободончилигига қилган жонкуярлиги, тиришқоқлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Ҳозирги кунда шу мактабда раҳбарлик қилаётган Малика Ғозиева унинг шундай ибратли ишларини давом эттирмоқдалар. Мактабда турли фанлардан тўгараклар очилиб ўқувчиларга қулайликлар яратилмоқда.

Малика Ғозиеванинг айтишича, болаларнинг ёшликдан меҳнатга, озодаликка, бирор фанга қизиқишини, касб кўникмаларини ошириш тарбиянинг асосий омилларидан ҳисобланади. Шунинг билан бу мактабда маънавий ва маданий билим бериш биргаликда олиб борилади. Бошланғич синфдан то битирувчи синфларгача мактаб формаси кийиш белгиланган. Бу эса, мактабга ва устозларга бўлган ҳурмат намунаси эмасми?! Лекин, баъзи мактабларда бунинг аксини кўрмоқдамиз. Ҳар хил ранг-баранг кийимларда бораётган ўқувчилар, мактабгами ёки тўйга кетаётганини тушунолмай қоласиз. 214-мактабда билим олган ва билим олаётган ўқувчиларнинг ота-оналари билан суҳбатлашганимизда шу мактабда анча йиллардан буён меҳнат қилиб келаётган Рихси Ҳакимжоновани алоҳида бир ҳурмат билан тилга олдилар. Бу меҳри дарё, қалби пок, меҳнатсевар муаллим билан суҳбатлашсангиз бунга ўзингиз иқрор бўласиз. Рихси опанинг тилидан бол, қалбидан меҳр, юзидан нур таралиб туради, ҳамиша. У илк бор мактаб партасига келиб ўтирган гўдакнинг меҳрини қозона олади, қалб қўри, оналик меҳри билан ёзиш, ўқишни ўргатади, таълим ва тарбияни мужассам қилган ҳолда сабоқ беради.

Бу мактабда бундай ўқитувчилар кўплаб топилади. Булардан Манзура Олимова, Баҳриниса Салимова, Умри Раҳмонова, Азиза Норбоева, Муаззам Абдуллаева, Нина Вишинская, Рихсида Тўраеваларнинг ҳар бир дарсларини ўқувчилар қунт билан эгаллайдилар ва уларни ҳурмат билан эъзозлайдилар.

Ўсиб келаётган ёш авлодни она Ватанга муҳаббат , ўз она тилига бўлган ҳурмат ва эътиборини шакллантиришда она тили ва адабиёти ўқитувчиларининг хизматлари алоҳида аҳамиятта эга. «Ўз Ватани адабиётини пухта билган инсон мустақил Ўзбекистонимизнинг ривожланишида ўз ҳиссасини қўша олади», дейди, Рихсида Тўраева. Унинг ҳар бир дарсларини ўқувчилар катта қизиқиш билан тинглайдилар. Рихсида Тўраеванинг ўз севган касбига бўлган қизиқиши, изланиши туфайли у раҳбарлик қилаётган синфда иқтидорли ўқувчилар сони ортмоқда.

Биз мазкур даргоҳда фаолият кўрсатаётган барча муаллимларни байрам билан табриклаб, савобли ишларида муваффақият тилаймиз.

**Маъфират ЗОКИРОВА**

**QUTLOV**



*Ҳурматли касбдошимиз Маҳмуда Абдураҳмонова!*

*Биз сизни фидойи устоз сифатида ҳамиша ҳурмат қиламиз.*

*60 ёшингиз ва 40 йиллик педагогик фаолиятингиз нишонланаётган ушбу вақтда Сиз муҳтарама устозга эни яхши истакларимизни изҳор этамиз.*

**Юнусобод туманидаги Олим Хўжаев номидаги 21 - ўрта мактаб жамоаси ва фарзандларингиз.**

## ҲАДИС ИЛМИДАН САБОҚ

136. Хотинларнинг баракатлироғи уйланиш харажатлари енгилидир.

137. Хотин кишига энг ҳаққи кўп киши эридур, эркак кишига энг ҳаққи кўп киши онасидир.

210. Аллоҳ таоло сизларга, хотинларга яхшилик қилишингизни буюради, чунки улар оналарингиз, қизларингиз ва хотинларингиздир. Аҳли китоблардан бирор киши бир хотинга уйланса, хотиннинг қўли бир қатим ип кўрмаса-да, бир-биридан безмайдилар.

224. Хотин киши қовурғадан яратилган. Агар сен қовурғани тўғрилайман десанг синдирасан, муроса қилу у билан яша!

246. Нима нарса онанинг қорнида тақдир қилиб ёзилган бўлса, ўша албатта бўлади.

260. Аёллар эркакларнинг туғишган сингилларидирлар.

312. Қайси бир хотин сабабсиз эридан талоқ сўраса, жаннат ҳиди унга ҳаромдур.

316. Қайси хотиннинг уч боласи балоғатга етмай ўлган бўлса, бу мусибат унга дўзахдан тўсадиган парда бўлур.

378. Жаннат оналарнинг оёқлари остидадир.

**(«1001 ҳадис» дан)**

# ХАНДАЛАР

**Бир йигит боғда ёнида ўтирган нотаниш қизни ўпиб олибди. Ҳеч қандай қаршилик бўлмагач, у қизни яна ўпибди-да, ҳайрон бўлиб сўрабди:**

**— Нега индамаяпсиз?**

**— Менга бегона эркаклар билан гаплашма деб ойим қаттиқ тайинлаб қўйган.**

* * *

**Ўқитувчи математика дарсида ўқувчисидан сўрабди:**

**— Отанг онангга эллик сўм берди. Кейин йигирма сўмини қайтариб олди. Хўш, энди нима чиқади?**

**— Жанжал чиқади, — дебди ўқувчи.**

* * *

**— Жуда ташвишда қолдим. Эрим ҳеч қачон ишдан бунчалик кеч қолмасди. Ё, биронта хуштор орттирдимикин-а, қўшнижон?**

**— Нега ёмон хаёлга борасиз? Эҳтимол, машина босиб кетгандир.**

* * *

**ЗАГС дан чиққач, қиз йигитта деди:**

**— Сизга очиғини айтай. Мен кўйлак дазмоллашни билмайман. Кийимларимни ойим дазмоллаб беради.**

**— Мен ҳам сенга очиғини айтиб қўя қолай. Кўйлакка пул топишга қурбим етмайди. Кийимимни менга отам олиб беради.**

* * *

**— Вой, ўлай Зулфи, танлаганинг шуми? Чолга ўхшайди-ку?**

**— Янглишаяпсан дугонажон, мени кутавериб соқол-мўйлови ўсиб кетганда!**

* * *

**Чойхонада хуриллатиб кўк чой ичиб ўтирган бир киши деразадан ташқарига қараб:**

**— Қойил, анавини қаранглар, аёл боши билан шунча юкни кўтариб кетяпти-я? — деса.**

**— Нима бўпти! Ичмаса, чекмаса.. – деярмиш ёнидагилардан бири.**

# НИКОҲ РАМЗИ

**Bilasizmi?**

*Никоҳ узугини барча халқларда қадрлашади. У — муҳаббат рамзи, эр-хотин орасидаги вафо-садоқатнинг азалий белгиси.*

*Хўш, қўш узук қайси вақтдан бери инсоният ҳаётига кириб келди экан? Бу савол ҳар биримизни ўтмишга етаклайди.*

*Қадимда кўчманчилар ўз севгилисини қочиб кетмаслиги учун оёқларига ялпиздан ўрилган чамбар билан боғлаб қўйишар экан. Кейинчалик ялпиз ўрамаси чарм билан алмаштирилди. Сўнгроқ тош узуклар пайдо бўлди.*

*Римликлар ўз қайлиқларининг нозик бармоқларига дастлаб темир, кейинроқ эса тилла узук тақишга одатланишди. Ўз навбатида келинлар ҳам жуфтларига муҳаббат рамзи сифатида узук тақадиган бўлдилар.*

*XY асрда Европадаги қирол саройларида Ҳиндистондан келтирилган олмослар кенг тарқалиб кетди. Узукни олмос билан безатиш қандайдир урф бўлди. Дастлаб ундан қайта ишланмаган ҳолатда фойдаланишди, сўнгра тўртбурчак пирамида ҳолида тилло гардишга ўрнатишди. Бу хилдаги узук илк бор Карл довюракнинг қизи Мария Бургундскаяга ҳадя қилинган эди. Кейинчалик олмосни қайта ишлаган заргарлар тош қирраларини у билан артиб ярқиратишган.*

*XYI асрдаги қўшқават никоҳ узукларига «Осмондан ерга тушган никоҳни одам қўли билан ажратиш мумкин эмас», дея муносабат билдиришган. Узукларни ёқутлар билан безаш фақат киборлар ҳаётигагина хос бўлиб қолди. Лекин 1554 йилда Мария Теодор Испаниянинг бўлажак қироли Филипп II га турмушга чиққанида бармоғида оддийгина никоҳ узуги бор эди.*

*Сирасини айтганда, никоҳ узугини заргарлар ҳар нағмага солишган . Унга не бир ҳашамлар қилишмади. Узук узуклигича қолди, аммо ҳозирда ҳам никоҳ узугига қандайдир фасонлар ўйлаб топиш фикри заргарларга тинчлик бермайди.*

*Бизнинг қадим аждодларимиз никоҳни бир коса сув билан ҳалоллаб олишган. Ҳозир эса замон бошқа. Ҳар қалай ёшларимиз никоҳни расмийлаштириш, қатъийлаштириш мақсадида бир-бирларига узук тақишни афзал кўришади.*

*Боболаримиз ақлли бўлишганини доим ҳис қилиб юрамиз, бироқ амал қилмаймиз. Ахир муҳаббатга жонсиз нарса кафолат бўлолмайди-ку. Сув эса ҳаёт манбаи, рамзи.*

**Sport maydonchasi**

### ЖИДДИЙ УСТУНЛИК

**Тошкентнинг «ЖАР» спорткомплексида бўлиб ўтган каратэ бўйича клуб жамоаларининг Ўзбекистон чемпионати кескин курашларга бой бўлди. Айниқса, пойтахт жамоалари спортчилари намойиш этган маҳорат уларнинг рақибларидан бирмунча устунлигини намоён қилди ҳамда барча юқори; «Каратэ» клуби биринчи, «Олимпия» иккинчи, «Динамо» учинчи ўринларни банд қилишди.**

### КАРВОН ЙЎЛГА ЧИҚАДИ

**4 апрель куни футбол бўйича биринчи табақа жамоалари Ўзбекистон 8-чемпионати байроғини кўтаришади. Айни дамларда жамоалар ҳар жиҳатдан тайёргарликларини пухта якунлашга интилишяпти.**

### ЮГУРГАННИКИ ЭМАС БУЮРГАННИКИ

**Лондонда теннис бўйича йилнинг навбатдаги йирик АТР турнири якунланди. Мусобақа кутилганидан сал бошқачароқ тус олиб, бу сафар ғалаба байрамини голландиялик Рихард Крайчек нишонлади.**

### ЧЕМПИОН АНИҚ БЎЛДИ

**Испания бир неча кун давомида Европа қитъасининг энг кучли мини - футбол жамоасини аниқлаш учун кечган муросасиз курашларнинг гувоҳи бўлди. Рақибларини бирин-кетин «янчиб» ўтган россияликлар финал куни майдон эгаларини ҳам «тор-мор» этиб чемпион бўлишди.**

### МУРОСАСИЗ «КУРАШ»

**Жанубий Африка футбол чемпионатида «қулоқсиз» ўйинчиларни «тинчитиш»нинг «антиқа» усули қўлланди. «Трай Эгейнс» — «Валхабиз» ўйинида «Т.Э» ўйинчиси И. Мкветага ҳакамнинг қарори ёқмади ва пичоқ билан унга пўписа қилди. Ҳакам ҳам бўш келмади, «безори»га «сариқ»ни ҳам «қизил»ни ҳам раво кўрмай биратўла пистолетда отиб қўя қолди. Нима бало, уларда футбол майдонига ҳам қуролланиб тушишадими?**

Шайхонтоҳур тумани Ҳ.Мусаев номидаги 38 - мактаб жамоаси шу мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Мамлакат Сайдалиевага онаси

**Турдиниса МАҲКАМОВА**

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Чилонзор туман халқ таълими бўлими жамоаси 270 - мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Нажмиддин Парпиевга ўғли, ҳамда жисмоний тарбия ўқитувчиси Боқижон Парпиевга жияни

**Зойиржон ПАРПИЕВ**

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ma'rifat

*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.*

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

*Таҳрир ҳайъати*: Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Гулчеҳра ПАРПИЕВА, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб— 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.

Газетани IBM компьютерида Абдирасул НАРМАНОВ саҳифалади.
Навбатчилар: Нурлан УСМОНОВ, Рустам БОЙМАТОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-0193. Тиражи 57.532. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

*«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.*
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти -20.00.
Топширилди — 21.00.